

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 26 » декабрь 2019 г.

№ 1037

Toshkent sh.

Республика олий таълим кенгашини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, олий таълим тизимида таълим сифатини ошириш, соҳадаги мавжуд норматив-хукуқий базани такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини янада ошириш ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда уларнинг фаол иштироқини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгashi ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгashi негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгashi (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйнагилар Кенгашнинг фаолият йўналишлари этн белгилансин:

профессор-ўқитувчилар, таълабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларниң фикрини ўрганиш ҳамда илфор хорижий тажриба таҳлили асосида олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигини, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар ва улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларини тизимли таҳлил килиб борип;

таълим сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасаларининг фаолиятида шаффоффлик ва холислик тамойиллари тўлақонли амал қилишини, коррупцияга шароит яратувчи омилларнинг барвақт олдини олиш ҳамда бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мақсадли ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши;

олий таълим соҳасида халкаро ҳамкорлик натижадорлигини тизимли таҳлил қилиб бориши, қўшима таълим дастурлари самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига кенг жалб этиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиши;

олий таълим муассасаларининг миллий ва халкаро рейтинг кўрсаткичларини мунтазам равишида таҳлил қилиб бориши ва уларнинг йиллик ўсиш динамикасини таъминлаш бўйича ташкилий масалаларда кўмаклашиши;

илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида республика олий таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиши.

3. Қуидагилар:

Республика олий таълим кенгашининг тузилмаси 1-иловага;

Республика олий таълим кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага;

Республика олий таълим кенгаши таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Кенгаш котибияти ходимларининг чекланган сони 3 нафар этиб белгилансин.

Кенгаці котибияти ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича олий таълим муассасасининг профессори лавозимига тенглаштирилсин.

5. Белгилансинки, Кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

6. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга Кенгаш фаолиятини амалга оширишга кўмаклашиш вазифаси юклатилсин.

7. Қуидагилар Кенгаш фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрияларин;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти Кенгаш фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун икки ҳафта муддатда жой, зарур мебель жиҳозлари, ахборот-коммуникация ва бошқа техник воситалар билан таъминласин ҳамда Кенгаш билан “0” ставгадаги ижара шартномасини расмийлаштиришига рухсат берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул килган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофиқлаштиурсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилншини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “26” декабрдаги 1037 сон қарорига
1-илюва

Республика олий таълим кенгаши ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “26” декабрдаги 037 сон қарорига
2-илова

Республика олий таълим кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Республика олий таълим кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

3. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга ва бошқа конун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар республикадаги барча олий таълим муассасаларига, манфаатдор марказлар ва ташкилотларга татбиқ этилади.

5. Кенгаш ўз фаолиятини ошкоралик, коллегиаллик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш, ижодий ҳамфирлилик тамойиллари асосида юритади.

6. Кенгаш ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган гувоҳномага, тегишли банкда ўз миллий ва валюта ҳисоб рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган атрибутика ва реквизитларига эга.

7. Кенгашнинг расмий номи:

ўзбек тилида – Respublika oliy ta’lim kengashi;

рус тилида – Республиканский совет высшего образования;

инглиз тилида – Republican Higher Education Council.

8. Кенгаш котибияти жойлашган жой (почта) манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Кори-Ниёзий кўчаси 39-уй.

2-боб. Кенгашнинг асосий фаолият йўналишлари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Куйидагилар Кенгашининг фаолият йўналишлари ҳисобланади:

профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илгор хорижий тажриба таҳлили асосида олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини

такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигини, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар ва улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларини тизимли тахлил қилиб бориш;

таълим сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасаларининг фаолиятида шаффоффлик ва холислик тамойиллари тўлақонли амал қилишини, коррупцияга шароит яратувчи омилларнинг барвакт олдини олиш ҳамда бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мақсадли ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик натижадорлигини тизимли тахлил қилиб бориш, қўшма таълим дастурлари самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига кенг жалб этиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларининг миллий ва халқаро рейтинг кўрсаткичларини мунтазам равишда таҳтил қилиб бориш ва уларнинг йиллик ўсиш динамикасини таъминлаш бўйича ташкилий масалаларда кўмаклашиш;

илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида республика олий таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш.

10. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

республика, шунингдек чет мамлакатларнинг олимлари, ватандош олимлар, мутахассислар ва экспертларни маслаҳатлар учун жалб этади;

олий таълим муассасалари фаолиятини жойида ўрганади, таҳтил қиласи, ўрганиш натижалари бўйича хулоса ва таклифларни олий таълим муассасаси, вазирлик ва идоралар, Вазирлар Маҳкамаси, ижро этувчи ҳокимият органларига киритади;

олий таълим тизими фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташабbusлари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиша иштирок этади, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифларни тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга киритади;

олий таълим соҳасидаги мавжуд норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга киритади;

давлат дастурлари лойихалари, тадбирлар режалари ва олий таълим тизимида тааллукли, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиш юзасидан асослантирилган таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

олий таълим муассасаларида соғлом ишчанлик муҳитини шакллантириш, конунийликни, юксак хуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, Ватанга содиқлик руҳини ва қонунларга бўлган ҳурматни кучайтириш, ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўкув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни олий таълим фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар хақида мунтазам равишда хабардор қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, “давра сұхбатлари”ни ташкил этади;

олий таълим муассасалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёртиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Кенгашга юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласида.

Кенгаш қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

11. Кенгаш зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги хуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ҳайъат мажлислари ва бошқа тадбирлари тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

олий таълим муассасаларининг бинолари (хоналари) ва бошқа обьектларидан фойдаланиш самарадорлигинн ўрганиш;

олий таълим муассасалари раҳбарларига Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таълим фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ахборот, статистика ва бошқа таҳлилий материалларни белгиланган тартибда олиш;

олий таълим соҳасидаги норма ижодкорлиги фаолиятига, шунингдек, норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг муҳокамасида жамоатчилик ва эксперталар иштирокини таъминлаш;

Кенгаш мажлисларида муҳокама килинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш.

Кенгаш қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Кенгаш ўз фаолиятини амалга оширишда:

қонун хужжатларига сўзсиз риоя қиласди;

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига сўзсиз риоя қиласди;

ўз фаолиятининг натижалари юзасидан ҳисбот юритади;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида олинган ахборот, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун хужжатлари билан чекланган бўлса, маҳфийлик тартиботига риоя қиласди.

Кенгаш зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

З-боб. Кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

13. Кенгаш раис, раис ўринбосари, котибият ва Кенгаш аъзоларидан иборат таркибда фаолият юритади.

14. Кенгаш таркибига, қоида тариқасида, олий таълим муассасалари ректорлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзолари, олий таълим тизимида ёки соҳалар бўйича ишлаб чиқаришда юксак тажрибага эга бўлган мутахассислар, хизмат фаолиятида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийлари, ижодкор ва зиёлилар, катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

15. Кенгаш таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Зарур ҳолларда, Кенгаш қарори асосида аъзолари билан келишилган ҳолда унинг таркибига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

16. Кўйидаги ҳолатларда Кенгаш раиси, раис ўринбосари ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

Кенгаш таркибидан чиқиш тўғрисида ариза тақдим этганда;

Кенгаш мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмагандан, мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмагандан;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг қонуний хукми кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида;

қонун хужжатларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

17. Кенгаш таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартиришлар улар тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 кун ичида Кенгашнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

18. Кенгаш раиси:

Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Кенгаш мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

Кенгаш мажлисларида раислик қиласи;

Кенгаш иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлади;

Кенгаш қарорларининг ижроси устидан назоратни таъминлайди;

Кенгаш аъзоларининг зиммасига юқлатилган вазифалар бажарилишини мувофиқлаштиради;

Кенгаш қарорларининг бажарилиши юзасидан тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қиласи;

Кенгаш йиғилиши, котибияти ҳамда Кенгашнинг мазкур низомда белгиланган мақсадлар доирасида маблаг ва воситаларини тасарруф қиласи;

Кенгаш йиғилиши олдида ҳисбот беради.

Кенгаш раиси Кенгашнинг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Кенгаш раиси бўлмагаи тақдирда, унинг ваколатларини Кенгаш раисининг ўринбосари бажаради.

20. Кенгаш раисининг ўринбосари:

Кенгаш раиси бўлмагаида Кенгашнинг мажлисларида раислик қиласи;

Кенгаш қарорлари ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласи, шунингдек, Кенгаш фаолиятига таалукли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади.

Кенгаш раиси ўринбосари Кенгашнинг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Кенгаш котибияти:

Кенгаш фаолиятини услубий, ташкилий-хукуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласи;

Кенгашнинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралардан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Кенгаш мажлислари ўтказилнишини ташкил этади;

Кенгаш ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини Кенгаш раиси билан келишади;

Кенгаш аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Кенгаш мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вакт ҳақида хабардор қиласди;

Кенгаш карорлари ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини Кенгаш мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

Кенгаш мажлисиинг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг Кенгаш аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

Кенгаш котибияти Кенгашнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Кенгаш аъзолари ўз мажлислида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама килиш ва ҳал килишда ўз ваколатини бошқатарга ўтказиш хукуқига эга эмас.

Кенгаш мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда, унинг фикри Кенгаш мажлисида кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Кенгаш аъзолари:

ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган Ҳайъат мажлислида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

Кенгаш иш режаларининг лойихаларини тайёрлашда, уларни Кенгашда кўриб чиқишида ва тасдиқланган иш режалари бажарилишда фаол иштирок этади;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қатнашади;

олий таълим муассасалари ходимлари, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказади ва уларнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни Кенгашга киритади;

Кенгаш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлашда иштирок этади;

Кеигаш ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли хужжатларни тайёрлашда қагнашади.

Кенгаш зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишда иштирок этади.

23. Кенгаш фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлислида кўриб чиқилади. Кенгаш мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чорақда камида бир марта чақирилади.

24. Кенгаш мажлислига Кенгаш аъзолари бўлмаган бошқа давлат органлари, подавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

25. Кенгаш мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котибият томонидан Кенгаш аъзоларининг таклифлари ва Кенгаш раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

26. Кенгаш мажлисими унинг раиси олиб боради. Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

27. Кенгаш мажлиси, агар унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Кенгашинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

28. Кенгаш қарори мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

29. Кенгашинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Уининг фикри Кенгаш мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

30. Кенгаш мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси котибият томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга, Кенгаш аъзоларига ҳамда манфаатдор шахсларга юборилади.

31. Кенгаш қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти туғилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор Кенгашинг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Кенгашинг қабул қилган қарорига қўшилмаган тақдирда, Кенгашинг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

32. Кенгаш котибияти Кенгаш аъзолари кўмагида Кенгаш қарорлари ижросининг боришини ўрганиди ва кўриб чиқади, зарур ҳолларда, Кенгашинг раисига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Олий таълим кенгашининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув органлари

33. Кеигаш йигилиши – Кенгашинг олий органидир.

Куйидагилар Кенгаш йигилиши:

Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

Кенгаш котибияти, раиси, раиси ўринбосарларини, тафтиш комиссиясини сайлайди;

Кенгаш раиси, раис ўринбосарлари ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини эшитади;

Кенгаш фаолиятини қайта ташкил этиш ёки уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Кенгаш йигилиши ўзининг ваколатидаги бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

34. Кенгаш йигилиши, одатда камидан ҳар уч ойда бир маротаба кенгаш котибияти томонидан чақирилади.

Навбатдан ташқари Кенгаш йигилиши котибият, тафтиш комиссияси ёки Кенгашнинг 1/4 қисмидан кам бўлмаган аъзолари мурожаатига кўра, унинг ваколатидаги ёки ваколатидан ташқари бўлган кечиктириб бўлмайдиган масалаларни муҳокама қилиш мақсадида чақирилиши мумкин.

Кенгаш аъзолари Кенгаш йигилишидан камидан икки кун олдин ёзма равишда огоҳлантирилиши зарур.

Овоз беришда Кенгашинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

Овоз бериш тартиби ва шартлари котибият томонидан белгиланади.

5-боб. Кенгашнинг мол-мулки ва воситалари

35. Кенгаш Низомда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ер майдони, бино ва иншоотлари, транспорт воситалари, жиҳозлари, мулки, молиявий ва бошқа ресурсларига эга бўлиши мумкин.

Кенгаш конун хужжатларига асосан ўзига тегишли мулкка ўз фаолияти доирасидаги мақсад ва вазифаларга ҳамда уларнинг мўлжалланганлигига мос равишда эгалик қиласди ва ундан фойдаланади.

36. Куйидагилар Кенгаш фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

конун хужжатларида такиқланмаган бошқа манбалар.

6-боб. Кенгаш тафтиш комиссияси

37. Кенгаш тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда Тафтиш комиссияси деб аталади) – Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва мазкур Низом талабларини бажарилишини назорат қиласди. Тафтиш комиссияси ҳар йили камидан бир маротаба Кенгашнинг молиявий хўжалик фаолиятини тафтишдан ўтказади. Кенгаш фаолиятида жиддий камчиликлар

аниқланган тақдирда, тафтиш комиссияси Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисини чақириш масаласини кўйиш ҳукукига эга.

38. Тафтиш комиссияси раис ва икки аъзодан иборат таркибда Кенгаш аъзолари ичидан беş йил муддатга сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолари бир неча маротаба қайта сайланиши мумкин. Кенгаш бошқаруви аъзолари ҳамда Кенгашда асосий штатда фаолият кўрсатувчи ходимлар Тафтиш комиссиясига сайланмайдилар.

39. Тафтиш комиссияси, ўз қарорларини қабул қилишда унинг аъзоларидаи камида икки нафари иштирок этган ҳолларда ваколатли хисобланади. Тафтиш комиссияси карорлари очик овоз бериш йўли билан, унинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози асосида қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда, Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади. Тафтиш комиссияси баённомаси унинг мажлисида иштирок этаётган барча аъзолар томонидан имзоланади.

40. Тафтиш комиссияси раиси Кенгаш ва унинг бошқаруви мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳукукига эга. Кенгаш ва унинг бошқаруви томонидан Кенгаш фаолиятиининг молиявий масалалари муҳокамаси бўйича ўтказиладиган мажлисларга Тафтиш комиссияси раисини тақлиф этиш шарт. Бундай мажлисларда Тафтиш комиссияси раиси ҳал қилувчи овоз ҳукукига эга.

41. Кенгаш бошқарувининг қарорига кўра Кенгашнинг молиявий-хўжалик фаолияти тафтиши мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

42. Кенгаш фаолияти ҳақидаги маълумотлар Кенгашнинг расмий веб-сайтида мунтазам равища ёритиб борилади.

43. Кенгашни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “26” декабрдаги 1037сон қарорига
З-илюва

**Республика олий таълим кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|--------------------|---|
| 1. У.Умурзаков | – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, <i>Кенгаши раиси</i> |
| 2. У.Ташкенбаев | – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси бошлиги, <i>Кенгаши раиси ўринбосари</i> |
| 3. А.Сайдуллаев | – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси (<i>келишув асосида</i>) |
| 4. И.Абдурахмонов | – Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири |
| 5. А.Бекмуродов | – “Эл-юрт умиди” жамғармаси директори вазифасини бажарувчи |
| 6. лавозими бўйича | – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси (<i>келишув асосида</i>) |
| 7. лавозими бўйича | – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутати (<i>келишув асосида</i>) |
| 8. К.Алтаев | – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги |
| 9. К.Тожибов | – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти директори |
| 10. Р.Холмурадов | – Самарқанд давлат университети ректори |
| 11. Г.Рихсиева | – Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори |
| 12. К.Каримов | – Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори |
| 13. Ў.Саломов | – Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ректори |
| 14. А.Хасанов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бошқарма боштиги (<i>келишув асосида</i>) |

- | | |
|---------------------|---|
| 15. М.Сафаров | – “Ўзбекистон 24” телеканали директори |
| 16. F.Самадов | – Халқаро пресс-клуб раиси ўринбосари |
| 17. М.Абдуқундузов | – Ўзбекистон ва Қорақалпогистон халқ артисти |
| 18. М.Рахматов | – “BCT cluster” МЧЖ раҳбари, профессор |
| 19. А.Шермуҳаммедов | – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси бош илмий котиби |
| 20. Н.Жонибков | – Ватаандош, Германиянинг Лейбниц институти илмий ходими, фалсафа доктори |
| 21. Б.Фарманов | – Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш “Ziyo Forum” фондига директори |
| 22. X.Худойбердиев | – Ижтимоий тармоқлардаги “Xushnudbek.uz” саҳифалари администратори |

